**Insonga naf keltirish — oliy baxt!**

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 2-noyabr, shanba № 133 (3326)

**Спорт — фарзандларимизнинг характерини тоблайди, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини шакллантиради. Ислом КАРИМОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришган спортчиларни мукофотлаш тўғрисида

Жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»**

**Нурудинов Руслан Шамильевич** — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»**

**Алимов Улуғбек Абдумажитович** — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 30 октябр

## «Параосиё ўйинлари — 2013»

# Ёрқин ғалаба

## ёруғ юз билан



**Жорий йилнинг 26-30 октябр кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги «Параосиё ўйинлари — 2013» мусобақаларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз юртимизга қайтиб келди.**

**Тошкент халқаро аэропортида паралимпиячиларимиз тантанали кутиб олинди.**

Куала-Лумпурдаги мусобақаларда истеъдодли ёш спортчи Илҳомжон Рихсибоев найза, диск ва ядро улоқтиришда рақибларини катта устунлик билан ортда қолдириб, учта олтин медални қўлга киритди.

— Нуфузли мусобақаларда Президентимиз ва халқимизнинг юксак эътибори ва ишончини доимо ҳис этиб турамиз, — дейди Параосиё ўйинлари ғолиби И.Рихсибоев. — Бу бизга Ватанимиз шаънини улуғлашда катта куч ва ғайрат бағишлайди. Келгуси мақсадим — Бразилияда ўтадиган XV ёзги Паралимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритиш ва унда муносиб иштирок этиш.

Параосиё ўйинларининг енгил атлетика баҳсларида жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Дониёр Солиев узунликка сакрашда, Фаррух Мирзақулов 100, 200 ва 400 метрга югуришда иккинчи ўринни эгаллади.

Сузиш мусобақаларида қатнашган Кирилл Паньков ҳам мухлислар ишончини оқлади. Ўтган йили Лондонда ўтказилган XIV ёзги Паралимпия ўйинлари тарихига Осиё рекордчиси сифатида кирган ҳамюртимиз Параосиё ўйинларида ҳам маҳорат кўрсатди. 100 метрга чалқанча сузишда белгиланган масофани биринчи бўлиб босиб ўтган К.Паньков олтин медални қўлга киритиб, Осиё рекордини янгилади.

Терма жамоамизга яна бир жуфт олтин медални дзюдочилар келтирди. 60 килограмм вазн тоифасида саралаш учрашувларидан муваффақиятли ўтган Шуҳрат Бафоев ҳал қилувчи баҳсда эронлик Ризо Ғуломий устидан соф ғалабага эришиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Вазни 66 килограмм бўлган дзюдочилар ўртасидаги финалда Нурбек Бердиёров Жанубий Корея вакили Ли Жун Хуни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Параосиё ўйинлари дастуридан жой олган пауэрлифтинг мусобақаларида ўз вазн тоифасида юқори натижаларга эришган спортчиларимиздан Фарҳод Умрзоқов ва Искандар Турсунбоев бронза медали билан тақдирланди.

Осиё қитъасининг 42 давлатидан 2,5 минг нафарга яқин паралимпиячи қатнашган «Параосиё ўйинлари — 2013» мусобақаларида Ўзбекистон спортчилари шижоати ва матонати, ғалабага бўлган интилиши билан мухлису мутахассислар ҳурматини қозонди.

**ЎзА.**

***Суратда: олтин медал соҳиблари Шуҳрат Вафоев ва Нурбек Бердиёров.***

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

**Жомбойдаги «Сам угол комфорт» МЧЖ лойиҳа қиймати 151,5 минг АҚШ долларини ташкил этадиган янги ғишт ишлаб чиқариш цехини ишга туширди.**

# Хом ашё кўпаяди

Ҳудудда истиқомат қилаётган 50 нафар кишини иш билан банд этган янги цех йилига 3 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Сифатли, арзон баҳодаги бу қурилиш маҳсулоти туманда барпо этилаётган 70 та намунавий лойиҳа асосидаги уйлар қурилишида асқотаяпти.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири**

## Кўргазма-ярмарка







**Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биргаликда «Ижтимоий масъулиятли тадбиркорликни ривожлантириш орқали одам савдоси ва меҳнат эксплуатациясига қарши кураш самарадорлигини оширишга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида кўргазма-ярмарка ташкил этди.**

# Лойиҳа доирасида

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари Мувофиқлаштирувчиси кўмагида ўтказилган ушбу кўргазма-ярмарка миллий ва халқаро шериклар, фуқаролик ҳамжамиятларига Чилонзор тумани «Дўмбиробод» маҳалласи негизида тузилган Хотин-қизлар тадбиркорлиги ва ижтимоий фаоллиги маркази (ХТИФМ) фаолияти билан танишиш имконини берди. Марказда «Ишонч телефони» мавжуд бўлиб, бепул асосда юрист, руҳшунос ва бизнес-маслаҳатчи хизматлари кўрсатилади, шунингдек, маҳаллада яшовчи хотин-қизлар ва шаҳар аҳолиси учун тўгараклар ҳамда моҳир устозлар дарслари ташкил қилинган.

Кўргазма-ярмаркада лойиҳа доирасида яратилган тикув цехи ҳамда бошқа миллий ҳамкорларнинг маҳсулотлари намойиш этилди.

— 30 нафарга яқин маҳаллий аҳоли меҳнат қилаётган корхонамизда сочиқ, чойшаб каби ўндан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, касаба уюшмаларига тегишли бўлган санаторийларга етказиб берилмоқда. Шунингдек, талаб ва таклифларни ўрганиб, маҳсулотларимизни бозорларга чиқариш ҳаракатидамиз, — дейди «Касаба текс Тошкент» масъулияти чекланган жамияти директори Нодиржон Абдувоҳидов.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## «Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

**Бундан 50-60 йил аввал юртимизнинг турли бурчакларидан бийдай чўлни ўзлаштиришга келган фидойи инсонларнинг ғайрат-шижоати туфайли Сирдарё кўркам шаҳру қишлоқлар, обод хонадонларга айланди. Маълумки, ҳар бир вилоят аҳолисининг турмуш даражаси унинг иқтисодий салоҳияти, тадбиркорликнинг қай даражада ривожланаётганлигига бевосита боғлиқ. Сирдарёда ҳам корхоналар сони ортиб бормоқда. Уларда, табиийки, жамоат ташкилотлари тузиш, иш берувчиларга ҳам, ходимларга ҳам самарали меҳнатни амалга ошириш имконини бериш, шу билан бирга, ишловчиларни махсус кийим-бош билан таъминлаш, иш нормаси, меҳнат ҳақи, дам олиш каби кўплаб муаммоларни ҳал этиш талаб этилади.**

# Яхши иш — энг яхши ҳордиқ

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Эргаш Бўриев тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини жонлантиришга жиддий эътибор қаратаётир. «Саррунатекстелес», «Ҳабиб текс», «Гулрентекс», «Мос Ян текс», «Кармента Ян текс» каби йирик қўшма корхоналарда, «Янгиер балиқ», «Медио сервис», «Чевар мафтуна нафис» каби ўнлаб хусусий корхоналарда касаба уюшма ташкилотлари ташкил этилишида унинг ҳам катта ҳиссаси бор. Жорий йилда 30 дан ортиқ корхона ишчи-ходимлари касаба уюшмаси аъзолигига жалб қилинди.

Нодавлат секторда меҳнаткашларни жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш, бу орқали уларнинг жамоа шартномаларида белгиланган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланишларини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар айниқса самарали бўлмоқда. Яқинда «Тадбиркор аёл» ассоциацияси вилоят бўлими ҳузурида касаба уюшма ташкилоти тузишга эришилди.

— Тадбиркор, аввало, ўз ҳуқуқини билиши керак, — дейди «Тадбиркор аёл» ассоциацияси вилоят бўлими раиси Махсуда Эшмирзаева. — Касаба уюшмасига аъзолик ходимларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириши билан ҳам аҳамиятга молик. Эргаш ака бу борада бизнинг энг ишончли ҳамкоримиз.

### Меҳнат таътилига чиқмаган

Эргаш ака дастлаб фаолиятини ўзи таваллуд топган Боёвут туманининг «Деҳқонобод» хўжалигида оддий ишчиликдан бошлади. Кейинчалик, Янгиер шаҳар касаба уюшма қўмитаси бўлим мудирлигига ўтди ва мана 25 йилдирки, ҳаётини касаба уюшмаларидан айри ҳолда тасаввур этолмайди. Ташкилотчилиги, мақсадга эришишда қатъиятлилиги, топширилган ишларни бажаришда масъулиятни ҳис қилиши ва самарали меҳнати, шунингдек, инсонларга нисбатан ғамхўрлиги, самимийлиги билан жамоада ҳурмат-эътиборга эга.

Эргаш Бўриев фаолияти давомида ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга соғлом меҳнат шароитини яратиш, дам олиш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда соғломлаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Қайси бошланғич ташкилотга бормасин, касаба уюшма аъзолари ҳуқуқлари, имтиёзлари ҳақида қайта-қайта тушунча беради. Тармоққа қарашли касб-ҳунар коллежлари касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини яхшилашда амалий ёрдам кўрсатади. 2012 йилда 60 дан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган фарзандлари моддий қўллаб-қувватланди. Коллеж ўқувчилари амалиёт ўтаётган корхона ва ташкилотларда бўлиб, уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Ҳар йили тармоқ ходимларининг 100 нафардан ортиқ фарзандлари болалар оромгоҳларида дам олиши ташкил этилади. Шунингдек, коллеж ўқувчиларининг баркамол, жисмонан соғлом бўлиб тарбияланишлари учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида турли маданий тадбирларни ташкил этишга эътибор қаратади. Жорий йилда «Санъатим сенга, обод юртим» кўрик-танловининг вилоят босқичида тармоқ ходимлари иштироки таъминланиб, эстрада қўшиқчилиги йўналиши бўйича биринчи ўрин қўлга киритилди. Танловнинг республика босқичида фахрли иккинчи ўрин насиб этди.

Эргаш ака иш фаолиятини бошлагандан буён ҳали бирор марта меҳнат таътили олмаганлигини эшитиб, ажабландик.

— Ишлаб ҳам дам олиш мумкин, яхши иш энг яхши ҳордиқдир, — дейди у самимий жилмайиб.

*(Давоми 2-саҳифада).*

# Фаровонлик асоси

**«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш халқимиз фаровонлигига эришишда муҳим омил бўлаяпти. Ҳар жиҳатдан аҳоли талабига мос, намунали қишлоқларимиз сони кўпайди. Ободонлаштириш, боғ-роғларни кенгайтириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигида имзоланган уч томонлама келишувда назарда тутилган аҳолини ижтимоий муҳофазалашга қаратилган тадбирлар амалда ўз ижросини топди.**

Қайд этиш лозимки, жамоат ташкилоти сафи кенгайиб, аъзолар сони ошди. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси, ходимлар манфаати устуворлиги таъминлаб келинаётир. Ўтган тўққиз ойда 178 та нодавлат сектор корхонасида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, 4799 нафар ишловчи аъзоликка жалб этилди.

Меҳнаткашларга муносиб иш ва турмуш шароити яратиш, улар оила аъзоларини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбирларда 1445 нафардан ортиқ хотин-қиз, якка-ёлғиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиниб, 53,9 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшмалари тизимининг такомиллашуви боис бошланғич ташкилотлар мавқеи ошди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

2014 йил учун обуна бўлишни унутманг
Нашр индекси — 133

## 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

**Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
Мактаб ишлари давлат назоратидадир.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.**

# Орзумиз рўёби кафолати

Хововс туманидаги 6-умумтаълим мактабининг бошланғич синфида ўқиб юрганимда расм чизишни ёқтирардим. Мендаги бу қобилиятни устозларим, хусусан, азиз муаллимим Гулбаҳор Умирова ва отаонам илғаб, тасвирий санъатга бўлган интилишимни ўз вақтида қўллаб-қувватлашди. Ўқишимни Гулистон шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактабига кўчиришди. Бу ерда рассомчилик соҳасидаги билим ва маҳоратимни шакллантириш бўйича устозим Малоҳат Маҳмудовадан сабоқ олдим. Ҳозир Республика архитектура ва дизайн коллежи ўқувчисиман. Келажакда эса танлаган соҳам бўйича олий таълим муассасасида ўқишни давом эттиришни ният қилганман.

Демоқчиманки, жонажон Ватанимизда биз, ёшларга орзуниятларимизнинг рўёбга чиқиши учун барча шароит муҳайё. Дейлик, илк таълим олган мактабим чекка қишлоқда бўлишига қарамай, замонавий бино ва ўқув жиҳозларига эгалиги билан пойтахтдаги мактаблардан қолишмайди. Мустақиллик йилларида ташкил этилган коллежлар эса тенгдошларимга ўзлари танлаган касбларини эгаллашлари учун кенг имконият яратди. Мен ўзим таҳсил олаётган коллежда архитектура, дизайн ва албатта, ўзим қизиққан тасвирий санъат соҳасини ўрганишимиз учун тўлиқ шароит мавжуд. Энг муҳими, бу ерда бизга юқори малакали мутахассислар таълим беришмоқда.

Иқтидорли тенгдошларим жуда кўп. Мен буни «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг туман ва вилояти босқичларида қатнашганимда, санъат мактабида ва айни чоғда коллеждаги ўқишим давомида ҳис қилдим. Дарвоқе, мамлакатимизда ёш авлоднинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасидаги юксак эътибор ана шундай фестиваллар, кўрик-танловлардаҳам ўз аксини топган. Бу тадбирлар бизларни янада кўпроқ ўқиб-ўрганишга, изланишга чорлайди. Масалан, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичи ғолиблигини қўлга киритганлигим тасвирий санъатга бўлган қизиқишимни янада орттирди, мақсадимга етишиш йўлида мустаҳкам ишонч пайдо қилди.

Айни чоғда инглиз тилини мукаммал ўрганиш ҳаракатидаман. Ниятим, келажакда машҳур рассом бўлгач, асарларимни хориждаги нуфузли кўргазмаларда намойиш қилсам, ўшанда суратларимда акс этган жонажон Ватаним ва унинг меҳри дарё одамлари ҳақида ташриф буюрувчиларга батафсил сўзлаб берсам, дейман. Давлатимиз томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва Конституциямиз кафолатлаган имкониятлар менинг ва тенгдошларимнинг бундай эзгу ниятларини рўёбга чиқишида асосий омил бўлади, албатта.

**Шоҳсанам БОЙЧИБОЕВА,
Республика архитектура ва дизайн коллежи ўқувчиси**

## Ҳамкорлик

**Кексаларни эъзозлаш, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ўзига хос қадриятларимиздан. Федерация Кенгаши Раёсатининг «Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» шиори остида 2013 йилга мўлжалланган чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни юртимиздаги тарихий ва муқаддас жойларни зиёрат қилдириш ҳам белгиланган.**

# Кексалар эъзозда

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши шаҳар «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, пенсионерлар ва кам таъминланган оила вакилларидан 40 нафарининг қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. «Афросиёб» тезюрар поездида манзилга етган нуронийлар Имом ал-Бухорий, Шоҳи Зинда мажмуаларини, Улуғбек расадхонаси ва Дониёр хўжа, Гўри Амир мақбаралари, Регистон майдонидаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасаларини зиёрат қилишди. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда бой тарихий меросимизга эътибор юксак даражага кўтарилиб, миллий қадриятларимиз тиклангансигидан шодландилар.

Қадимий ва навқирон шаҳарда барпо этилган янги, бир-бирига ўхшамайдиган кўркам, чиройли бинолар ва хиёбонлар ҳамда кўчаларнинг ғоят озодалиги, қолаверса, замонавий тезюрар поезддаги сафар саёҳатчиларга бир олам қувонч бағишлади. Нуронийлар сафардан унутилмас таассуротлар билан қайтишди.

**Ҳабибулла ЁРМАТОВ,
Тошкент шаҳар «Нуроний» жамғармаси кенгаши раиси ўринбосари**



Тургунбек МАХКАМЗОДА олган сурат

## Газетхон илҳоми

# Мустаҳкам оила

Оила муқаддас даргоҳ,
Жамиятнинг таянчи.
Мисоли бир саждагоҳ,
Ҳаётимиз қувончи.

Оила бўлса жамулжам,
Бўлар диллар хотиржам.
Уй бекаси-ла ҳар дам,
Чирой очади уй ҳам.

Бирдамликда кўп ҳикмат,
Оилани асрар у.
Агар ҳалол яшасанг,
Рўёбга чиқар орзу.

**Рустам БАРАТОВ**

## Табиат ва мусаввир

**Куз рассомларга алоҳида илҳом бағишлаб, унинг кўрку тароввати ижодкорлар нигоҳидан асло четда қолмайди. Айниқса, мусаввирлар ижодий фаолиятини кузатар эканмиз, уларнинг ҳеч бири ушбу мавзуга бефарқ эмаслигини кўрамиз. Куз мавсумига оид бадиий ишлар эса кўпинча манзара ҳамда натюрморт жанрларида ўз аксини топади. Бу бежиз эмас, албатта.**

# Кузнинг рангин олами

Кузнинг ёрқин ранглари, табиатдаги кескин ўзгаришлар ижодкорларга ўзгача руҳий қувват бағишлайди.

Таниқли мўйқалам устаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ғофур Абдураҳмонов ижодий фаолиятини кузатар эканмиз, жуда кўплаб натюрмортлар ва манзара асарлари айнан куз мавсумида яратилганига гувоҳ бўламиз. «Хумсон. Куз палласи», «Оқтошда куз», «Новали сой, Сиджак», «Ғилон. Куз», «Косонсой - куз манзараси», «Гурзуф, тоғёнбағри», «Сиджак йўли, куз», «Ангрен. Куз». «Гурзуф куз манзараси», «Хумсон. Олтин куз» каби асарлари кишида гўзал таассуротлар уйғотади.

Натюрмортлар ҳам рассомнинг кўп йиллик меҳнати самараси деб айта оламиз. Унинг ижодида айниқса «Куз натюрморти», «Кузги оқ гуллар», «Куз неъматлари», «Тарвузли натюрморт», «Мис чойнакли натюрморт», «Самоварли натюрморт», «Қизил тарвузли натюрморт» каби асарлар алоҳида ажралиб туради.



«Новали сой»

Мусаввир мўйқаламидан сайқал топган «Новали сой, Сиджак» асари кенг панорамали гўзал колорит яхлитлигига эга ранг-тасвирдир. Ушбу асар ўзининг маъно-мазмунининг чуқурлиги билан эътиборни тортади. Унда пурвиқор тоғлар, қирлар оралаб оқаётган сой, унинг устига қурилган кўприк ва тоғ дарасидан ўтувчи йўл акс эттирилган. Япроқлари зарғалдоқ рангга чулғанган дарахтлар, катта қўнғир тусли тошлар асарга ўзига хос жозиба бағишлайди. «Илон изи» йўл, кўкимтир, хира ҳаворанг тусларда товланиб кўринаётган тоғлар, элас-элас кўзга чалинаётган қорли чўққилар эса оч пушти, сафсар, оқ-нафармон рангларда жилоланади. Композицияга динамик ҳаракат ва жўшқинлик ато этган сойнинг қирғоқлари тик ҳолатда, қия кўринишлари бироз жигарранг, тез оқиб бораётган сув сатҳи эса зумрад, нилий рангларда акс эттирилган. Сувнинг тезлиги, мавжланиб оқиши ҳаётнинг ғаниматлиги ҳақида фикр уйғотади. Асардаги ҳар бир детал рассом томонидан алоҳида меҳр, эътибор билан акс эттирилганки, уни куз ҳақида тасвирий қўшиқ, гўзаллик тароnаси деб атасак, хато бўлмайди.

«Куз неъматлари» натюрмортида саховатли заминимизнинг анвойи ноз-неъматлари тасвирланган. Унда акс эттирилган тарвуз, тилимлаб қўйилган қовун, унинг ёнидаги чуст пичоғи, сопол лагандаги олма, нок, узум, ён томондаги чойнак ва пиёла ўзаро узвий боғлиқ ҳолда тасвирланган. Миллий колорит асарга чуқур мазмун киритади. Атлас, беқасам, сўзанали дастурхон натюрмортни бўртиб, ёрқин тарзда кўринишига хизмат қилади. Орқа фондаги шойи қийиқчадаги кўк, яшил, сариқ, мовий, бинафша, қирмизи ранглар кишига ўзгача кайфият бағишлайди.

Ғофур Абдураҳмонов манзара ва натюрмортлар билан бир қаторда кўплаб портрет, мавзули воқеабанд композициялар ҳам яратганки, уларнинг ҳар бири рассомнинг бетакрор истеъдодидан дарак беради.

**Баҳром ТОЖИЕВ,
санъатшунос**

**Реклама ва эълонлар**

### Аукцион савдолари хабарномаси

### «REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**I. 2013 йил 19 ноябр куни соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 29.10.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 30.10.2013 йилдаги 304-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол (Огородная) кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 1301,0 кв.метр, қурилиш майдони 62,0 кв.метрдан иборат бошланғич баҳоси 135 359 000 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз эллик тўққиз минг) сўм бўлган бош механика биноси мажмуаси такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 18 ноябр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

**II. 2013 йил 3 декабр куни соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2013 йилдаги №11-1232/18114-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MISHELIN-AVTO» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 31.05.2013 йилдаги ҳамда 21.10.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 31.10.2013 йилдаги 96-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулк объектлари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда.

**1-ЛОТ.** Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси, 113-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

**Бошланғич баҳоси 400 000 000 (Тўрт юз миллион) сўм.**

**2-ЛОТ.** Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси, 114-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

**Бошланғич баҳоси 100 000 000 (Бир юз миллион) сўм.**

**3-ЛОТ.** Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси, 115-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

**Бошланғич баҳоси 95 456 000 (Тўқсон беш миллион тўрт юз эллик олти минг) сўм.**

**4-ЛОТ.** Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели йўли, 3-уй манзили «Сергели ихтисослашган бозори» ҳудудида жойлашган 12/4-қатор, 26-сонли савдо дўкони биноси.

**Бошланғич баҳоси 100 000 000 (Бир юз миллион) сўм.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 2 декабр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ, ҳ/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 20715[illegible]573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

**Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ**

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати).

Лицензия RR 0170, тел.: 8 371 233 21-18, +99893 529-30-13 E-mail: *rc.group@inbox.ru. Хизматлар лицензияланган.*

### «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**I. 2013 йил 3 декабр куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй** манзилида ўтказиладиган савдоларга «Бухорогипс» очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг 29.10.2013 йилдаги 554-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибидаги кўчмас мулк объектлари бошланғич баҳоси 10 фоизга пасайтирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

**1-ЛОТ.** Бухоро вилояти, Когон тумани, Амиробод қўрғони манзилида жойлашган умумий ер майдони 60 100,0 кв.метр, қурилиш майдони 3 366,76 кв.метр бўлган оҳак заводининг ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари мажмуаси. **Бошланғич баҳоси — 488 032 000 сўм.**

**2-ЛОТ.** Бухоро вилояти, Когон шаҳар, Дўстлик кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 7 866,0 кв.метр, қурилиш майдони 1 333,43 кв.метр бўлган 2-қаватли тикув цехи бино ва иншоотлари **Бошланғич баҳоси — 390 831 000 сўм.**

***Изоҳ:*** Савдо ғолиби томонидан мулк сотилиш қийматининг 2 % (икки фоизи) миқдоридаги «Аукцион ташкилотчиси»нинг хизмат ҳақиси алоҳида тўланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманома «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 2 декабр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali, ҳ/р: 20208000500234536002, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Бухоро минтақавий филиали МФО: 00115, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан сотувчи иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

**Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali** Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қавати).

Лицензия RR 0170, тел.: 8 365 221-59-24. *E-mail: rc.group@inbox.ru. Хизматлар лицензияланган.*

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o‘rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay’ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog‘indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas’ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e’lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg‘ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy

Nashr ko‘rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -18.00
Topshirildi -18.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г —1111 | 12889 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5